

Обидов Р. – ТМИ,
катта ўқитувчи

КЛАСТЕР ТИЗИМДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ САҚЛАШ, ҚАЙТА ИШЛАШ ҲАМДА СОТИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ушбу мақолада кластер ҳақида тушунча, уларнинг қўлланилиши ва хусусиятлари ёритилган. Қишлоқ-хўжалигида кластерларни ташкил этиш механизмини жорий этиш орқали ҳудудларда инновацион кластерларга қўйиладиган талаблар ҳамда шарт-шароитларни таъминлашнинг услубий масалалари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: инновация, инновацион кластер, инфратузилма, интеграция, иқтисодий регулятив воситалар, ислоҳ қилиш, қишлоқ хўжалигида замонавий усуллар, географик ҳудуд, фирмалар груҳи, бир-бирини тўлдирувчи компаниялар, институтлар груҳи, технологик занжир, ҳудудий концентрациялашув.

В данной статье рассмотрены понятие о кластерах, их применение и особенности. Исследованы вопросы внедрения механизмов организации сельскохозяйственных кластеров, требования, предъявляемые к инновационным кластерам, а также методы обеспечения необходимых условий.

Ключевые слова: инновация, инновационный кластер, инфраструктура, интеграция, экономические регулятивные средства, реформирование, современные методы в сельском хозяйстве, географическая территория, группа фирм, взаимодополняющие компании, группа институтов, технологическая цепь, территориальная концентрация.

In this article the concept of cluster, considered application and features. Researched questions organizing of mechanisms agricultural cluster, requirements in territories for innovative clusters, as well as methods of providing necessary conditions.

Key words: Innovation, innovative cluster, infrastructure, integration, facilities of economic regulatory, reforming, modern methods in agriculture, geographical territory, group of firms, complementary companies, group of institutions, technological chain, territorial concentration.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси доирасида яқинда қабул қилинган[1] “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” давлат дастурида мамлакатни ривожлантиришнинг энг муҳим ва устувор йўналишлари ифодаланиб, улар сўнгги йилларда айниқса иқтисодий ўсиш соҳасида шаклланган қарашларни тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Сўнгти йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида шиддатли, сифат жиҳатидан янги таркибий ва чуқур бозор ислоҳотлари юз бермоқда, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устуворликлари тубдан қайта кўриб

чиқилмоқда, иқтисодиётни ҳақиқатда ҳаракатга келтирувчи қувватга эга бўлган иқтисодий ўсишнинг янги, амалий драйверлари жорий этилмоқда. Эски, ўз салоҳиятини йўқотган институт ва иқтисодий регулятив воситалар иқтисодиётга таъсир этишнинг янги инновацион ва самарали шакл ҳамда усувларига ўз ўрнини бўшатиб бермоқда[2].

Бугунги кунда ҳар бир соҳада инновация ва изланиш, янги ютуқларга эришиш, мустаҳкам рақобатни йўлга қўйишда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, мамлакатимизда аграр соҳани ислоҳ қилиш, қишлоқ хўжалигига ҳам замонавий усувлардан оқилона фойдаланиш ижобий самаралар бермоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда халқаро амалиётда синалган ва иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этувчи бозор муносабатларини ва тажрибаларини ҳаётга татбиқ этишга катта эътибор қаратилмоқда. Шулардан бири кластерлар тизими бўлиб, ҳозирда иқтисодиётимизнинг пахтачилик, тўқимачилик ва енгил саноат соҳасида ушбу тизим фаолиятини йўлга қўйиш масалалари устивор вазифа этиб белгиланган.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини даладан истеъмолчига етказиб беришда нобудгарчиликларнинг олдини олиш бўйича мева-сабзавотларни сақлайдиган омбор ва музлатгичлар тизими етарли даражада ривожланмагани, логистика ва йўл харажатлари билан боғлиқ кўпгина муаммоларни ечиш ҳамда уларда бухгалтерия ҳисобини юритиш масалалари бўйича тадқиқотлар олиб бориш бугунги кунда долзарб, ўз ечимини кутиб турган муҳим масаладир. Кластер тизимида, маълум бир соҳада фаолият юритадиган корхоналарнинг харажатларини бухгалтерияда ҳисобга олиш ҳамда уларни қонун хужжатлари асосида тўғри ва ўз вақтида расмийлаштириш бухгалтерия ҳисоби олдида турган муҳим вазифалардандир.


Кўпгина манбаларда ривожланган давлатларнинг тажрибалари барқарор ижтимоий-иктисодий тараққиётни таъминлашда, инвестицион фаолликни оширишда, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришда халқаро логистик марказлари, эркин иқтисодий зоналар каби кластерларнинг ўрни ва аҳамияти жуда юқори эканлиги кўрсатилган[3]. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва бошқаришда кластерлардан фойдаланиш бўйича маълум тажриба тўпланган. С. Росенфелднинг сўзларига кўра, кластерларни яратиш замонавий иқтисодий ривожланиш ва кам ривожланган худудлар стратегиясининг асосидир[4].

Кластер атамаси америкалик иқтисодчи, Гарвард мактаби профессори, рақобат имкониятларини ўрганиш бўйича мутахассис бўлган Майкл Южин Портер[5] томонидан илк бор кўлланган эди.

У кластерга географик жиҳатдан қўшни бўлган, бир-бири билан боғланган, муайян бир соҳада фаолият олиб борадиган ҳамда бир-бирининг ишини тўлдирадиган корхона ва ташкилотлар бирлашмаси сифатида таъриф берган.

Унинг фикрича, кластерлар қуидаги умумий жиҳатларга эга бўлиши даркор (1-расм).

Кластернинг умумий жиҳатлари



1-расм. Кластернинг умумий жиҳатлари [4]

Кластерлар бўйича илк тадқиқотлардан бирини Альфред Маршалл ўтказган бўлиб, у Буюк Британиядаги саноат ҳудудларини ўрганган. Кластерларни ташкил этиш ва улар фаолият кўрсатишининг назарий ривожлантиришга ва амалий жиҳатларини ўрганишга кўплаб хорижлик олимлар катта ҳисса қўшган, жумладан Г.А. Яшевой, А.Г.Гранберг[6], М.Галушкина[7], Н.В.Городнова., Д.Л.Скипин[8], Н.Е.Егоров [9], Н.А.Мишурा[10], Л.Л.Наумова[11], ва бошқалар.

Хорижий олимлар ва тадқиқотчиларнинг талқинига кўра “кластер” тушунчасига қуйидаги бир қатор таърифлар берилган (1.-жадвал).

1-жадвал

Хорижий олимлар ва тадқиқотчиларнинг талқинига кўра “кластер” тушунчасига берилган таърифлар¹

Т/р	Хорижий олимлар номлари	Берилган тарифлар
1.	Г.А. Яшевой	Кластер – бир илмий-маърифий маркази атрофида бирлашган географик (махсус хизматлар, шу жумладан, етказиб берувчи, шунингдек, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар, шу жумладан) компаниялари ўртасидаги ҳамкорликни, бир-бирига муносабатлари билан боғлиқ тўлдирувчи бир тармоқ ташкилот.
2.	А.Г.Гранберг	Кластер – битта соҳага бирлашган ва бир-бири билан узвий алоқада бўлган корхоналар гурухи.
3.	М.Галушкина	Кластер – битта географик худудда жойлашган ва битта тармоқни ташкил қиласиган фирмалар гурухи.


¹ Муаллиф томонидан тузилган.

4.	Н.В.Городнова	Кластер – махсус соҳалар бўйича битта географик худудда фаолият юритаётган, бир-бири билан боғлиқ бўлган ва бир-бируни тўлдирувчи компаниялар, институтлар гурухи.
5.	Д.Л.Скипин	Кластер – горизонтал ва вертикал равища функционал боғлиқ бўлган фирмалар гурухи.
6.	Н.Е.Егоров	Кластер – жамоавий, хусусий ва ярим жамоавий кўринишида бир-бири билан боғлиқ ва ўзаро бири-бируни тўлдирувчи фирмалар, тадқиқот ва ривожланиш институтлари гурухи.
7.	Н.А.Мишурा	Кластер – тижорат ва нотижорат ташкилотлари гурухи бўлиб, у гуруҳда фаолият юритаётган ҳар бир фирманинг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қиласи.
8.	Л.Л.Наумова	Кластер – худудий концентрациялашувга асосланган ва технологик занжирга боғланган товар ва хом ашё етказиб берувчилар, асосий ишлаб чиқарувчиларни бирлаштирган индустрлашган мажмуа.

Бизнинг фикримизча, юқорида билдирилган талқинлар синтези сифатида, умумий тарзда кластер-аниқ бир соҳада технологик занжирга бирлашган, битта географик худудда жойлашган, бир бирига узвий боғлиқ бўлган хўжалик субъектлари ва ривожланиш институтлари гурухи бўлиб, улар бир-бири билан узвий алоқада бўлиб, бир мақсад учун рақобатбардошлигини таъминлаш йўлида ўзаро бирлаштирувчи жараёндир, деб таъриф бериш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, М. Воинеренко[6] «5И» тушунчасини кластерларни белгилашда ишлатади (2-расм). Ушбу омиллар кластерларнинг самарали ишлашининг асосий шартлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан мамлакатимизда ҳам кластер тизими кўп соҳаларга жорий қилинмоқда ҳамда кластер тизимида фаолият юритаётган корхоналар янада қўллаб-қувватланмоқда.



2-расм. кластерларнинг самараали ишлашининг асосий омиллар²

Тадқиқот ишида умумметодологик усуллардан-кузатиш, умумлаштириш, гурухлаш ва таққослаш каби усуллар қўлланилган.

Қишлоқ хўжалигида кластер усулининг жорий этилиши ерни шудгорлашдан ҳосилни йиғиширишгача, хом ашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган жараёндаги кўп босқичли комплекс ёндашув тизимини яратиш ҳисобланади. Айниқса, енгил саноат корхоналарининг хом ашё этишириш манбай саналган дехқон ва фермер хўжаликлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашда мазкур усул яхши натижалар бериши кузатилмоқда[12].

Сўнгти ўн йилликда ривожланган давлатларда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишнинг кенг тарқалган усулларидан бири кластер усулидан кенг фойдаланилиб келинмоқда. Кластер стратегияси Европа Иттифоқи томонидан кенг тарғиб қилиняпти. Еврокомиссия иттифоқ ҳудудида кластер ривожланишини янада қўллаб-қувватламоқда.

Айни пайтда Россия Федерациясида 25 та кластер мавжуд[13]. Санкт-Петербург шаҳрида аэрокосмик соҳада, Федерация жанубида аграр соҳада кластерлар кенг фаолият юритмоқда. Хитой Xалқ Республикасида автомобилсозлик, кимё, фармацевтика, электротехника, майший техникалар, тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари, қурилиш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, балиқчилик каби қўплаб соҳаларда кластер усулида иш олиб борилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, тадқиқот олиб бориш масаласи юзасидан “2016-2020 йилларда мева-сабзавот ва гўшт маҳсулотларининг хом-ашё базасини янада ривожлантириш, уларни қайта ишлашни чукурлаштириш, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни кўпайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2505-сонли қарори қабул қилинганлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқдир[14].

² Муаллиф томонидан тузилган.

Бугунги кунда ушбу қабул қилинган қарор натижасида фермер хўжаликларини ҳуқук ва ваколатларини кенгайтириш устувор йўналиш этиб белгилаб қўйилган.

Ҳақиқатдан ҳам бугунги кунда барча соҳаларда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, янги инновацияларни жалб этиш, хориж тажрибасини ўрганиш ҳамда амалиётга жорий этиш долзарб масаладир.

Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланган бўлган озиқ-овқат саноати Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг энг йирик ва анъанавий тармоқларидан бири ҳисобланиб, бу тармоқ миллий иқтисодиётнинг ривожланишига, агросаноат мажмуида тармоқлараро нисбатларни такомиллаштиришга, республика қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган хом ашёни исроф қилмай, яъни қайта ишлаган ҳолда, истеъмолчиларга тўлиқ етказиб бериш, шунингдек аҳолининг иш билан бандлиги муаммоларини ҳал қилишга таъсир этади.

Шу билан бирга, мамлакатимизда етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб беришнинг замонавий тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратишилиши керак.

Юртимизда етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг аксарият қисми янги узилган ҳолда эмас, балки консервация қилинган, қайта ишланган ёки қуритилган ҳолда истеъмол қилинмоқда. Бундай ҳолатда маҳсулотлар ўзининг сифати, таъми ва тиббиёт нуқтаи назаридан истеъмол хусусиятларини маълум даражада йўқотади.

Мазкур соҳада сезиларли ўзгаришлар бўлаётганига қарамасдан, маҳсулотни асл ҳолида сақлаш, нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, унинг кескин ошиб кетишининг олдини олиш, нарх-навога мавсумий омилларнинг таъсирини камайтириш ва бошқа масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган барча инфратузилма, ресурс ва имкониятларга эга эмасмиз. Бу йўналишда музлатиш, нейтрал газли муҳитда сақлаш каби замонавий технологияларни янада кўпайтириш талаб қилинади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда жами 630 минг тонна маҳсулотни сақлаш қувватига эга бўлган 1300 дан зиёд омбор мавжуд[15]. Уларда ҳар йили мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари сақланмоқда. Бу эса ички бозорда нарх-навони барқарор ушлаб туриш ва кузги-қишки мавсумда ушбу маҳсулотларни экспорт қилишни кафолатли таъминлаш имконини бермоқда.

Ўзбекистон компаниялари Болтиқ денгизи бўйидаги Лиепай портида бир кеча-кундузда 1,5 минг тонна маҳсулотни сақлаш қувватига эга бўлган транспорт-логистика марказини ташкил этишган ва ушбу марказ орқали мева-сабзавот маҳсулотларини Шимолий ва Фарбий Европа мамлакатларига тўғридан-тўғри етказиб беришмоқда[16].

Кишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг турини кенгайтириш ва сифатини ошириш хорижий инвестицияларни жалб этмасдан, халқаро молия институтлари ва банк тузилмаларининг ёрдами ва қўллаб-қувватлашига таянмасдан туриб эришиб бўлмайди.

Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, Глобал экологик фонд, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти каби бошқа кўплаб институтлар, шунингдек, хорижий мамлакатлар ҳукуматлари агентликларининг бу борада кўрсатаётган ёрдами катта бўлиб, уларнинг иштирокида юздан ортиқ инвестиция ва грант лойиҳаларини амалга ошириш учун мамлакатимизга 1,1 миллиард доллардан ортиқ маблағ жалб этилди[17].

Ажратилган молиявий маблағлар билан бирга ушбу халқаро ташкилотлар томонидан илғор агросаноат технологияларини жалб этиш, қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси, ирригация ва мелиорация тизимларини ривожлантириш ҳамда реконструкция қилиш, маркетинг ва жаҳон бозорларига чиқиш бўйича янги технологияларни жорий қилиш борасида амалий ёрдам ва ҳамкорлик кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси ва БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзолангандан Тошкент шаҳрида ушбу ташкилот ваколатхонаси очилган.

Ўзбекистон билан БМТнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги асосий молиявий институти бўлмиш Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди ўртасида конструктив ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, бу фонднинг асосий вазифаларидан бири юқори самарадорликка эга бўлган қишлоқ хўжалиги тизимини шакллантириш бўйича ёндашувларни амалга оширишдан иборатdir. Бу эса бугунги кунда ажратилаётган маблағларни мақсадли ишлатиш, харажатлар ҳисобини тўғри ва ўз вақтида юритиш заруриятини келтириб чиқаради. Ҳозирги кунда ташкил этилаётган кластерлар бўйича харажатларни ҳисобга олиш ҳамда ҳисобини юритишда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш, юқори натижаларга эришиш учун хизмат қиласи.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий хулоса ва амалий тавсияларни беришни лозим топдик:

Хулоса қилиб айтганимизда ҳозирги кунда пахтачилик ва енгил саноат соҳаларида кластерларни жорий қилинганлиги, шу соҳаларда юқори ижобий натижаларга эришиши учун катта имкониятлар яратмоқда. Шундан келиб чиқиб бугунги кунда мева-сабзавотчиликка ҳам кластер тизимини жорий қилиш бу соҳаларни янада ривожланишига олиб келади. Бунда бухгалтерия ҳисобини тармоқлар тизимида тўғри ҳисобга олиш тартибини ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлмоқда.

Юқоридагилар “Кластер тизимда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ҳамда сотиш харажатлари ҳисобининг хусусиятлари” мавзусида тадқиқотлар олиб бориш зарурияти, долзарб масала эканлигидан далолат беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисидаги” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. //Халқ сўзи, 20.01.2017й.
2. Бекмуродов А.Ш. «Ўзбекистонни глобал индексларда иштирокини кенг таъминлаш – инвестиция муҳити жозибадорлигини оширишнинг муҳим шарти» Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси “Ўзбекистон банк-молия секторини инновацион ривожлантириш: институтлар, механизмлар ва воситалар” мавзуусидаги халқаро илмий-амалий конференция тезислари тўплами. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси «Молия» нашриёти, 2018.-11б.
3. Абдурахмон Р., Абдунаби В. “Мутахассисликка кириш”, Олий ўқув юртлари учун дарслик. Т-2016й, 32-б.
- 4.Воронов А. Кластерный анализ–база управления конкуренто способностью на макро-уровне // Маркетинг. 2003. № 1. С. 11–20.
5. Порттер М. Конкуренция. – СПб. – Москва – Киев, 2003, 56-б.
6. Яшевой Г.А., Гранберг А.Г. Кластерная политика в экономике России // Национальные приоритеты России. 2009. № 1, январь-июнь. С. 116–130.
7. Галушкина М. Предприниматели на рынке идей // Эксперт. 2006. № 17. С. 48–52.
8. Городнова Н.В., Скипин Д.Л. Анализ, обоснование и перспективы формирования инвестиционно-строительного кластера в Тюменской области // Экономический анализ: теория и практика. 2010. № 39. С. 69–76.
9. Егоров Н.Е. Инновационные кластеры в развитии экономики региона // Региональная экономика: теория и практика. 2010. № 16. С. 46–52.
- 10.Мишурда Н.А. Кластерная организация экономики: к вопросу об идентификации кластера // Национальные интересы: приоритеты и безопасность. 2012. № 43. С. 37–44.
- 11.Наумова Л.Л. Кластер как современная форма регионального развития // Региональная экономика: теория и практика. 2011. № 34. С. 11–17.
12. Сайдова Д.Н., Рустамова И.Б., Турсунов Ш.А. “Аграр сиёсат ва озиқ-овкат хавфсизлиги”. Ўқув қўлланма. Т.: “ЎзР Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси нашриёти, 2016. –75 б.
13. Абдурахмон Р., Абдунаби В. “Мутахассисликка кириш”, Олий ўқув юртлари учун дарслик. Т-2016й, 43-б.
14. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2016 йил 5 мартағи “2016-2020 йилларда мева-сабзавот ва гўшт маҳсулотларининг хомашё базасини янада ривожлантириш, уларни қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овкат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни қўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-2505-сонли қарори.
- 15.Кластер рақобатни кучайтирувчи омил <http://www.biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja>.

16. Абдурахмон Р., Абдунаби В. “Мутахассисликка кириш”, Олий ўқув юртлари учун дарслик. Т-2016й, 48-б.
17. Кластер рақобатни кучайтирувчи омил <http://www.biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja>.